**Ушбу сонда:**

**2** *Одамлар ардоғидаги кишилар* ЭЛИМ ДЕГАН КАМ БЎЛМАГАЙ

**3** МЕҲР ВА МУРУВВАТДА ТЕНГСИЗДИР АЁЛ

**4** СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2004 йил 27 июл, сешанба № 120 (1753)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


***Ливияда шахмат бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов барча донгдор рақибларини доғда қолдириб, шатранж тожининг соҳиби бўлди. Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳнамолигида спорт соҳасига берилаётган улкан эътиборнинг самараси яна бир карра жаҳон миқёсида эътироф этилди.***

## УЛКАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Президент Ислом Каримовнинг ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказиш, хусусан, спортни ривожлантириш йўлидаги доимий ғамхўрлиги Ўзбекистоннинг фахру ифтихорлари сафини тобора кенгайтирмоқда.

Шахмат тожи Ўзбекистон вакилига насиб этгани катта тарихий воқеа. Шу муносабат билан мамлакатимиз раҳбарига дунёнинг турли давлатларидан табрик мактублари келмоқда. Уларда Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатларининг яна бир самараси экани алоҳида таъкидланади.

«Ўзбекистон раҳбарияти шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватламаганида, шубҳа йўққи, будай муваффақиятга эришиб бўлмасди. Жаҳон шахматчилари Сизнинг Рустамни мамлакатингизнинг юксак давлат мукофоти - Амир Темур ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонингиз ҳақидаги хабарни катта қувонч билан кутиб олди. Бу муваффақият шуниси билан қадрлики, мусобақа мобайнида Рустам Василий Иванчук (Украина), Александр Гришчук (Россия), Веселин Топалов (Болгария), Майкл Адамс (Англия) каби супергроссмейстерларни мағлуб этди ва шу билан ўн еттинчи шахмат қироли номига муносиблигини, сайёрамизнинг энг кучли шахматчиси эса Сизнинг гўзал мамлакатингиз вакили эканлигини исботлади. Аминманки, бу муваффақиятга ўзбек спортчиларининг жаҳон спорт майдонларидаги бошқа ажойиб ғалабалари ҳам қўшилаверади», дейилади ФИДЕ Президенти, Қалмоғистон Республикаси Президенти Кирсан Илюмжиновнинг мактубида.

Франция Миллий ассамблеяси раисининг ўринбосари, Ренси шаҳри мэри Эрик Раулнинг мактубида ҳам ана шундай самимий табрик сўзлари ўз ифодасини топган.

«Ҳозиргина шахмат бўйича янги жаҳон чемпиони жаноб Рустам Қосимжонов ўзбек миллатига мансуб эканлигинидан воқиф бўлдик ва шу муносабат билан Сизни чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз. Сизга ва мамлакатингизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромларимизни қабул қилгайсиз», дейилади номада.

«Сизни Ўзбекистон Республикаси ва ўзбек халқи ҳаётидаги шонли воқеа муносабати билан қутлашга ижозат бергайсиз, - деб ёзади «Союзнефтегаз» давлатлараро нефт компанияси» ёпиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Юрий Шафраник. - Бу ғалабада ўзбек халқининг маданиятидаги чуқур тарихий илдизлар ва анъаналар, бу халқни дунёга танитган математиклар, фалакшунослар, мутафаккирларнинг азму шижоати ва донолиги ўз ифодасини топган. Аминмизки, Сиз, Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида янги тарихий шароитда миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши, спортнинг барча турлари юксак суръат билан ривожланишига алоҳида эътибор қаратмаганингизда, бу ғалабага эришиб бўлмас эди. Халқаро шахмат чўққисида дўст Ўзбекистон вакилларига янги номлар ва янги муваффақиятлар тилаб қоламиз».

«Рустам Қосимжоновнинг Ливияда ўтган жаҳон чемпионатидаги ажойиб ғалабаси билан табриклашга ва дўст ўзбек халқига спортда янгидан-янги муваффақиятлар ва янги номлар тилашга ижозат бергайсиз», дейилади «Союзнефтегаз» давлатлараро нефт компанияси» ёпиқ акционерлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Г.Гучетлнинг мактубида.

Исроил Кнессети (парламент) аъзоси, парламентдаги «Исроил-Ўзбекистон» дўстлик лигаси раиси Амнон Коэн Ўзбекистон Президентини бутун лига аъзолари номидан самимий қутлайди.

«Сизни ва Сизнинг ёш ҳамюртингиз Рустам Қосимжоновни буюк муваффақият - Триполида (Ливия) ўтган жаҳон чемпионатидаги ғалаба билан табриклашга ижозат бергайсиз. Жаҳон чемпиони бўлган ўзбек шахматчиси Ўзбекистон халқининг фахру ифтихорига айлангани бизни жуда қувонтирди. Энг эзгу тилакларимни изҳор этиб қоламан».

«Миллионлаб ўзбекистонликлар қаторида мен ҳам ўзбек халқининг мард ўғлони Рустам Қосимжоновнинг спортдаги улкан ғалабаси ва ақлий камолотидан қувониб, шундай ҳамюртим борлигидан фахрланмоқдаман. Бу тарихий ғалаба ўзбек халқининг Мустақиллик йилларида Сизнинг раҳбарлигингизда эришган навбатдаги муваффақиятидир. Ўзбекистон халқи мамлакат байроғини юқори кўтараётган ва ўзининг буюк аждодлари анъаналарини давом эттираётган мард ёш авлод билан ҳар қанча фахрланса, арзийди», деб ёзади Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти Лев Леваев. Полшанинг «Medical Management & Finance» компанияси Президенти Гжегож Кобилецки эса компанияси жамоаси номидан табрик йўллаган: «Бу мустақиллик йилларида Сиз, Президент Жанобларининг раҳбарлигида ёш авлодни камолга етказиш учун яратилган шарт-шароит самарасидир. «Medical Management & Finance» компанияси бизнесни муваффақиятли ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратилган Ўзбекистон бозорида яқинда фаолият бошлади ва бизнинг ўзбекистонлик шерикларимиз билан самарали ҳамкорликдан умидимиз катта».

Полшанинг яна бир компанияси - «БУДИМЕКС» акционерлик жамияти Президенти Марек Михаловскининг табрик мактубида қуйидаги сўзлар бор: «Бу ғалаба Ўзбекистон Республикаси жамияти юксак билим ва тафаккур соҳиби эканлигидан ва изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистондаги қурилиш дастурларида иштирок этиш орқали шундай ажойиб муваффақиятларга гувоҳ бўлаётганимиздан мамнунмиз».

Давлатимиз раҳбарига жаҳоннинг турли мамлакатларидан табрик мактублари келиши давом этмоқда.

**(ЎзА)**

***Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлиги бош қўмондони генерал Жон Абизаид Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида бўлди.***

## АҚШ ГЕНЕРАЛИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимиз мудофаа маҳкамаси раҳбари Қодир Ғуломов билан музокарада Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Мазкур масалаларда томонларнинг фикрлари муштарак экани таъкидланди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан ҳам Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

**(ЎзА)**

## БУ ҲАМ САНЪАТ

Самарқанд шаҳрида «Нафис» чинни буюмлари ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамияти бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда бу корхонада 1300 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Иш уч сменада ташкил қилинган. 40 дан зиёд турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ишчи-ходимлар махсус кийим-бошлар билан таъминланган. Ишга келиб кетишлари учун 4 та автобус ташкил қилинган. Маъмурият ва касаба уюшма томонидан 10 дан зиёд ишчи-ходимлар дам олиш оромгоҳларида бўлиб қайтдилар.





***Суратларда: илғор ишчилар Мукаррам Бадалова ва Бобомурод Отамуродовлар.***

**Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар**

### *Касаба уюшма фидойилари*



## ЭЪТИҚОД

«Тошшаҳарйўлтаъмирқурилиш» трести касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳамидилла ака Усмонов номи ишчи-хизматчилар ўртасида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. У, аввало яхши мутахассис, моҳир ташкилотчи, йирик жамоага катта меҳнати синган инсон сифатида танилган. Одамлар уни ўзларига яқин олиб, бой тажрибасидан, ўринли маслаҳатидан баҳраманд бўладилар. Ҳамидилла аканинг яна бир фазилати бирон ишчининг уйида муаммо туғилса, маъракалар ўтказилса, биринчи бўлиб ёрдамга шошилади. Касаба уюшма фаоллари ҳамда маҳалла жонкуярлари билан ёнма-ён туриб хизмат қилади. Унинг ташкилотчилиги ва қатъиятлиги туфайли қанчадан-қанча ёшлар ҳаётда ўз ўринларини, ўз бахтларини топдилар.

Мураббий камчиликларга нисбатан муросасиз. Йиғилишларда бор гапни иккиланмай ўртага ташлайди. Тараққиётга тўғаноқ бўлаётган, ишчи-хизматчилар шаштини қайтараётган камчиликларни дадил тугатиш юзасидан таклифлар киритади. Айни пайтда ишловчиларнинг унумли фаолият юритиб, кўнгилли дам олишлари учун алоҳида қайғуради.

– Ҳар бир жамоанинг ўз суянган тоғлари бўлади, - дея ҳикоя қилади таъмирловчи С.Акбаров. – Ҳамидилла акага ўхшаган фидойи, ҳамиша кўпнинг манфаатига қайишадиган инсонлар бор жойда иш олдинга босади. Оддий ишчилар орасидан ташаббускорлар, ўз касбининг чинакам усталари етишиб чиқади. Буни ўз ҳаётимиз, фаолиятимиз мисолида кўриб турибмиз.

Эрта тонгдан ўзига таниш ва қадрдон бўлиб қолган йўлак бўйлаб жамоаси томон аста одимлаётган бахтли инсон – Ҳамидилла Усмоновга таниш-билишлари ҳавас билан қарашади. Бизга ҳам сизнинг йўлингизни берсин, фарзандларимиз одамохун, меҳнатсевар, эл ишига камарбаста инсонлар бўлиб етишишсин, дея ният қилишади.

## КУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Кувайт Давлати вакф ва ислом ишлари вазири Абдулла ал-Маътуқ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 26 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зуҳриддин Ҳусниддинов билан суҳбатда Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.***

Кувайт делегацияси Тошкент ислом университетининг талаба ва ўқитувчилари билан учрашди, ўқув даргоҳининг фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан суҳбат чоғида Ўзбекистон-Кувайт алоқалари ривожланиб бораётгани, мамлакатларимиз турли соҳаларда самарали ҳамкорлик ўрнатгани қайд этилди. Бунда Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 19-20 январ кунлари Кувайтга ташрифи давомида эришилган аҳдлашувлар муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. Музокара давомида савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Абдулла ал-Маътуқ Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан музокара ўтказди. Унда мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги кўплаб соҳаларни қамраб олиши, аксарият халқаро масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Кувайт ўхшаш фикрда экани айтиб ўтилди. Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш имкониятлари хусусида фикрлари билан ўртоқлашди.

Шу куни кувайтлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш.Миноваров ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов ҳамда пойтахтимиздаги «Кўкалдош» мадрасаси талаба ва мударрислари билан ҳам учрашди.

**(ЎзА)**

### *Мамлакатимиз олий ўқув юртларида*

## ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ МЕНИ ЁНИГА

***Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти вилоятдагина эмас, мамлакатимиздаги энг етакчи олий даргоҳларидан. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида иш олиб бораётган мазкур даргоҳни ҳар йили 700 нафарга яқин ёшлар муваффақиятли битириб, бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатишмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга олийгоҳда билим олишни истовчи ёшлар сони ортиб бормоқда.***

Ўқув машғулотлар даври аллақачон тугаган бўлса-да, даргоҳнинг ҳовлиси ҳар доимгидек ёшлар билан гавжум. Эндигина ўрта мактаб ёки лицейни битирган изланувчан, билим олишга чанқоқ ўғил-қизлар мазкур олий ўқув даргоҳига кириб, талаба бўлиш иштиёқида ҳужжат топширишаётир. Бу ерда фарзандини ташвишида юрган бир қанча ота- оналарни ҳам учратдик. Биз олий ўқув юртига кириш мақсадида ҳаловат нималигини билмай юрган ёшларни суҳбатга чорладик.

-Улуғбек Юсупов бўламан,- деди илк суҳбатдошимиз.-Андижон туманининг Ёрбоши қишлоғидан келдим. Мазкур олий ўқув даргоҳига кириб ўқишни астойдил ният қилганман ва шунга яраша ҳаракат қиляпман.Насиб қилса, инженер-механик касбини пухта эгаллаб, мамлакатимиздаги энг катта автокорхона-ЎзДЭУда фаолият кўрсатмоқчиман.

-Бу йил мен учун омадли келди, - деди олийгоҳнинг Бошқарув факультети касбий-педагогик таълим йўналиши битирувчиси Маҳфуза Убайдуллаева.- Чунки институтни имтиёзли диплом билан тамомладим. Бу эса янада чуқур билим олиш, илмий изланишларимни давом эттиришимга асос бўлди-.Энди ўқишни магистратурада давом эттирмоқчиман ва келажакда ўз йўналишим бўйича илмий иш олиб боришга бел боғлаганман.

-Менежмент йўналиши бўйича мутахассисликни эгалламоқчиман,-дейди Олтинкўл тумани Кўмакай қишлоғидан келган Муҳаббат Икромова.—Келгусида банк тизимида ишламоқчиман. Ҳозирда поликлиникада ҳисобчи бўлиб меҳнат қиламан.-Қолаверса,бу соҳа менга бегона эмас.

-Талаба бўлишни орзу қилганлар бу йил ҳар қачонгидан кўпроқ,-дейди қабул комиссияси ҳайъати масъул котиби Ҳамид Саримсоқов. -Айниқса,-кундузги бўлимда ўқишни хоҳловчиларнинг кўплиги кишини қувонтиради.Жорий йилдаги мавсумда 2714 нафар ёш ўғил-қиз ҳужжат топширган.Бу эса ўтган йилга нисбатан 1000 та кўп демакдир.

(Давоми 3-бетда)

## ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда вилоят халқ таълими, молия, иқтисодиёт, архитектура ва қурилиш бошқармалари, банк муассасалари, шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, халқ таълими бўлими мудирлари, пудратчи ва лойиҳачи ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Семинарда мактабларни замон талаблари даражасида жорий ва капитал таъмирлаш, капитал реконструкция қилиш, янги қуриладиган мактабларнинг жаҳон стандартларига мос бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги хусусида фикрлашилди. Янги лойиҳалар билан танишилди.

**(ЎзА)**

### *Журналист суриштируви*

***Пушаймон ёмон нарса. Лекин киши ўз айби учун эмас, бошқаларнинг қилган хатоси учун бир умрга ногирон бўлиб қолса, бунинг устига оғриқ забтига олиб ҳар онда ўзини билдириб турса, бу ҳам бир бало. Нурия айни кунларда ана шундай дард исканжасида.***

## ОҚ ХАЛАТДАГИ ҚОРА ДОҒ

Келинг, ҳаммасини бир бошдан бошлайлик. Нурия 2001 йилнинг 17 декабр куни «Тез ёрдам» машинасида «буйрак тош» касаллиги билан Тошкент трактор заводининг тиббий санитария қисмига олиб келинди. Аҳволи анчагина оғир эди. Дарҳол муолажага киришилди. Шундай ҳолатларнинг бирида ҳамширанинг қўлидаги нина беxосдан ерга тушиб кетади. Балки чарчагандир, балки ҳаяжонланганидан шундай бўлгандир. Лекин энг ажабланарлиси, айнан шу шприц орқали беморнинг уч жойига укол қилингани бўлди. Буни кузатиб турган беморнинг отаси: - шприц ерга тушиб кетди-ку,- дея норозилигини билдирганда, уруш вақтида бундан ҳам баттар бўлган деган, - жавобни олади.

Мана шу «муолажадан» сўнг Нуриянинг касали авж олиб, аҳволи кун сайин оғирлаша бошлади. Врач Х.Жомовнинг қистови билан бемор шифохонани тарк этишга мажбур бўлди. Лекин ундан нима сабабдандир тилхат ҳам ёздириб олишади. Уйга қайтгач, дарди янада зўраяди. 24 декабр куни «Гемотология» институтига ёткизишади. У ерда даволаниш чоғида Тошкент трактор заводи тиббий-санитария қисмида муолажа қилинган жойи йиринглаб, юролмай қолади. Иситмаси кўтарилиб, 40 даражадан тушмади.

Яхши инсонлар ҳам бор бўлсин. «Гемотология» институтининг шифокорлари унинг ҳаётини сақлаб қолишди. Мазкур шифохонада беморнинг қонига инфекция тушганлиги ҳам аниқланди. 2-Тошкент медицина институтида эса унинг йиринглаган жойларини кесиб, тозалашади.

Қисқаси, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган аёл ўлим чангалидан олиб қолинди. Бемор оёққа илк турган куни деразадан кўчага тикилди. Атроф нақадар гўзал. Кўз олдига қизлари келди. Кўзларига ёш келди. Нима бўлганда ҳам ёстиқдан бошини кўтарди-ку! Лекин муолажа пайтидаги оғриқлар бирин-сирин кўз олдидан ўта бошлади. Айни қарилик гаштини сурадиган даврида отаси қизи билан бирга касалхонама-касалхона юриб, унинг жони қийналганидан қандай азобга тушганлигини ич-ичдан ҳис этди. Ишлатилган дори-дармонларга кетган маблағни айтмайсизми?!

Начора, Нурия таниш-билишларидан қарз кўтарди. Хуллас, кичқина хато, бир қарашда арзимасдек кўринган лоқайдлик бир инсонга ғоятда қимматга тушди. Ҳаммасидан ҳам ташқи кўриниши хунуклашиб кетгани аёлга алам қиларди. Бу ҳақда шифокорларга мурожаат этиб, жавобдан баттар изтиробга тушди. Уни энди асл ҳолига келтиришнинг имконияти йўқ экан.

Нурияга жароҳатлари ҳануз азоб бериб келмоқда. Шулар туфайли умуман ишга ярамай қолди. Икки фарзанди эса ейман, ичаман деб турибди. Бир умрга мажруҳ бўлиб қолганлигини ўйлаб ўзини қўярга жой топа олмайди. Айни пайтда у иккинчи гуруҳ ногирони.

Мана шуларни узоқ ўйлаб Нурия Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига шикоят аризаси билан мурожаат этди. Унинг шикояти юзасидан бошқармада махсус комиссия тузилиб, Тошкент трактор заводи тиббий-санитария қисмида Х.Жомов ва ҳамшираларнинг камчиликлари юзасидан текширув ўтказилди. Ниҳоят, 2002 йил 20 май куни 27 - сонли буйруқ билан шифокор Х.Жомовга ва ҳамшираларга тегишли тартибда жазо тайинланганлиги, уларнинг айблари тўлиқ тасдиқланганлигини маълум қилишди. Шунингдек, бошқарма маъмурияти йўл қўйилган камчиликлар учун узр сўради,

Комиссиянинг мазкур хулосасидан сўнг Нурия жароҳатлари ҳали ҳам оғриқ бераётганлигини таъкидлаб, етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундириш мақсадида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик судига мурожаат этди. Қизиғи шундаки, суд мажлисида ҳамшира Х.Худойберганова ҳам, шифокор Х.Жомов ҳам, Тошкент трактор заводининг тиббий-санитария қисмининг раҳбарлари ҳам бемор томонидан уларга қўйилган айбни инкор этишди. Лекин суд томонидан Нурия 2001 йил 17 декабрдан 20 декабрга қадар шифокор Х.Жомов ва ҳамшираларнинг назоратида туриб, муолажа олганлиги сўнгра жавобгар Жомовнинг таклифи ва қистови билан шифохонани тарк этганлиги аниқланди. Уйида бўлган 3 кун давомида аҳволи ниҳоятда оғирлашганлиги туфайли 24 декабрдан бошлаб Тошкент шаҳридаги 17-касалхонага бориб, у ерда биринчи ёрдам кўрсатилгач, «Гемотология» институтига даволаниш учун ёткизилган. Мазкур институт томонидан берилган касаллик тарихи ҳақидаги кўчирмада унинг танасини уч ерида абцес мавжудлиги аниқ айтилган. Бу ерда даволаниш жараёнида инекциядан сўнгги абцес ривожланиб кетганлиги сабабли Нурия 2-Тошкент медицина институтига даволаниш учун ўтказилган.

Судда гувоҳ тариқасида сўралган Ш.Бобоёрова ҳақиқатан ҳам даъвогарнинг уйига бориб, 128 кун, яъни 4 ой давомида ҳар куни келиб яраларни боғлаганлигини, аслида бу яралар жуда чуқур бўлганлигини тасдиқлади.

Суд экспертиза абцеснинг ривожланишига қараганда Тошкент трактор заводидаги касалхонада олинган инъекциялар вақтига тўғри келади, деган хулосага келди. Даъвогарнинг ҳозирги кучли, оғриқли плексит касаллиги айнан шу шифохонада олинган муолажа натижасида рўй берганлигини инобатга олиш лозим, деб топди.

Суд даъвогарнинг маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабини қисман қаноатлантиришни лозим, деб топди. Шунингдек, Нуриянинг тортган азоб-уқубатларини, сурункали касалликка дучор бўлганлигини ва ҳозирда иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, маънавий зарар миқдорини 800 минг сўм деб белгилади.

Тўғри, суд томонидан даъвогарнинг талаби қисман бўлсада қондирилди. Лекин Нурия чеккан изтироблар ўрнини тўлдириш мумкинмикан? Мазкур воқеа туфайли оқ ҳалатга юққан қора доғни кетказиб бўлармикан?

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ҳисобот-сайловлар олдидан*

# ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ОСОНМАС

Жамоаларда бошланғич касаба уюшма етакчиларининг ўрни ва мавқеи қандай? Ўтган даврда улар фаолиятидан кўнгил тўлдими? Саноқли кунлардан сўнг шунга ўхшаш кўплаб саволларга жавоб топилади. Чунки бошланғич ва ҳудудий органларда ўтказиладиган ҳисобот-сайловларда ғалвир сувдан кўтарилиши аниқ. Шу ерда бу масъулиятли жараёнга тадорик қандай кечаяпти, деган савол туғилади. Қуйида ана шу хусусида сўз юритилади.

**Алишер Тожиев, Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят вакили:**

– Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш касаба уюшма ташкилотлари зиммасидаги ғоят долзарб вазифалардан бири. Улар жамоа шартномалари асосида ходимларнинг иш ва дам олиш вақти, ижтимоий имтиёзлари, меҳнатга ҳақ тўланиши, саломатлиги ва бандлик даражаси, меҳнат муҳофазасининг таъминланишини назорат қилиб боради. Муайян муддатларда меҳнаткашлар олдида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботларни тақдим этишади.

Ташкилотимиз таркибида 136 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд. Уларда жамоа ишончини қозонган, вазифасига сидқидилдан ёндошадиган етакчилар фаолият юритиб келмоқда. Ўз навбатида вакиллигимиз бошланғичлар ишини жонлантириш, улар фаолияти таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келаяпти.

Ўтган фурсат ичида касаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий саводини оширишга бағишланган қатор ўқувлар ўтказилди. Яқинда эса Марказий қўмита мутахассислари иштирокида ҳисобот-сайловларни ўтказиш, уни тайёрлаш, жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш юзасидан семинар ўтказдик. Бошланғич ташкилот етакчилари ҳисобот маърузаларида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида тўла тасаввурга эга бўлдилар. Бугун касаба уюшманинг ўрни, мавқеи қандай? У жамият ривожи, улғайиб келаётган авлод учун нималар қилиб қўйди, деган савол энг аввал ўртага ташланади.

Ўрни келганида вакиллигимиз томонидан қўл урилган хайрли ишларга тўхталсам. Маҳаллалар билан алоқа боғлаганмиз. Кичик бу қўрғон катта тарбия ўчоғи. Буни ҳисобга олиб, Сирдарё туманидаги маҳалла спорт залини барпо этдик. 800 нафардан ошиқ ёшлар, 1,5 минг нафарга яқин катталар бўш вақтларида шуғулланишлари учун спорт жиҳозлари туҳфа этдик. Бугунги кунда 219 нафар спортга ошуфта ёшлар ва ўсмирлар шоҳмот-шашка тўгаракларига жалб этилган. Қолаверса, 5 мингга яқин маҳалла аҳли касаба уюмша ташаббусини маъқуллаб турибди. Фақат хайрли юмушлар, ташаббуслар обрўни оширади. Барча касаба уюшма фаолларига буни уқтириб, фаолиятларида қўллашни тавсия этганмиз. Ахир халқ олдида ҳисоб бераётганда амалий ишларимиз, хайрли ташаббуслар кўзга ташланиб туриши лозим.

**Фарҳод Зикриллаев, Янгиер туманлараро қишлоқ хўжалик кимё минерал ўғитлар базаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси:**

– Корхонамизда 124 нафар киши касаба уюшма аъзолари саналишади. Маъмурият билан ҳамкорликда уларга иш шароити яратиш, моддий ҳамда ижтимоий кўмак кўрсатишга интилиб келаяпмиз. Шу пайтга қадар ишчиларимизга ювиниш, ечиниш ва дам олиш хоналари ажратилмаганди. Биз бу масалани маъмурият олдига қатъий қўйдик. Ахир оғир меҳнатдан сўнг бир оз ҳордиқ чиқариш, дам олиш лозимда. Аммо бизнинг ишчиларимиз бу имтиёздан бебаҳра қолиб келаётганди. Амалдаги йилда бу муаммо ўз ечимини топди. Эндиликда ходимларимиз дам олиши, бўш вақтларида шоҳмот-шашка ўйнаш имкониятига эга бўлди. Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришдан ҳам кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Аммо бу камчиликларни бартараф этиш имкони бор.

Тўғриси, касаба уюшма ташкилоти етакчиси этиб сайланганимда зиммамдаги масъулият бу қадар залворлигини ҳис этмагандим. Ўтган икки йил анча пишитди. Гарданимдаги юкни англадим. Етакчи ёнмаса, ҳар томонлама етук бўлмаса одамлар ишончини оқлаши осон кечмас экан. Эндиликда ҳисоб беришга ҳозирлик кўраяпман. Агар менга яна ишонч билдиришса, фаолиятимни тамомила ўзгача руҳда бошлаган бўлардим.

**Мулоқотни Н.ШАМСИЕВ ёзиб олди.**

*Одамлар ардоғидаги кишилар*

# ЭЛИМ ДЕГАН КАМ БЎЛМАГАЙ

Ҳар кунги одатига кўра Шукуржон барвақт ишга келиб, бирин-кетин цехларни айланишга киришди. Иш вақти бошлангач, фақат тикувчилик цехида бир ўрин бўш қолди. «Гулжанойга, нима бўлди экан, у энг интизомли ишчилардан эди» ўйлади у. Шукуржон кузатишни тамомлаб, энди хонасига томон йўл олган ҳам эди, шошиб-пишиб келаётган аёлга дуч келди.

Шукуржон бу аёлнинг хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни анчадан буён сезиб юрганди. Оловдек тезкор, шўх, шодон юрадиган қиз кейинги пайтларда маюслашиб ва ҳатто кўзлари ичига ботиб қолганди. Тушлик пайтида вақт топиб, Шукуржон Гулжанойдан ҳол-аҳвол сўради:

- Ётоқхонадан бир хона олиб турибмиз. Турмуш ўртоғим ва тўрт болам энди бу хонага сиғмаяпмиз. Кичик ўғлим иссиқга дош бера олмай, бетобланиб қолди. Ҳозир қишлоқдан, ойимникидан қатнаяпман, – деди у.

«Феруз-Хоразм» ҳиссадорлик бирлашмаси касаба уюшма қўмитасига раҳбарлик қилаётган Шукуржон Машарипов шунда дангалчасига:

– Шаҳардан ер олиб берамиз, уй қурасан, – деди.

– Билмадимов, қўлимиз калталик қилса керагов...

– Ҳечқиси йўқ, ёрдам берамиз, қолаверса, қариндошларинг ҳам қараб туришмас!

Шундай қилиб Шукуржон бирлашма маъмурияти билан биргаликда шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилиб, Гулжанойга томорқа олиб берди. Қурилишига ҳам ёрдам қилди. Натижада бирлашма ишчиси Г.Аҳмедова уйли-жойли бўлиб қолди. У касабақўм раисидан умрбод миннатдор.

1979 йилдан касабақўмга раҳбарлик қилиб келаётган Шукуржоннинг ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бирлашмага Клара Жумамуротова раҳбарлик қилади. Бу тиниб-тинчимас, уддабурон аёл бир пайтлари тикувчилик фабрикаси сифатида ташкил этилган, кейинчалик бўлиниб кетган фабрика қолдиқларини тўплаб, ҳиссадорлик бирлашмага айлантирди. Бунга ҳам қаноат қилмасдан, бирлашма базасида «Бизингтруд-Хоразм» масъулияти чекланган жамиятни ташкил қилди. Жамият ва бирлашма ишчи-хизматчилари трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошладилар. Корхонани кенгайтириш ва иш юритиш учун арзон хом-ашё топиш зарур эди. Клара ўзининг ўнг қўли бўлган Шукуржон билан маслаҳатлашиб, вилоят ва республика раҳбарларидан кўмак олиб, «Осиё-текстил» Хитой-Ўзбекистон қўшма корхонасини очишга муваффақ бўлди. Шундан кейин иш юришгандан-юришиб кетди. Қўшма корхонада тайёрланган пахта толасидан турли хил кийим-кечаклар тайёрланади. Айни пайтда бу ерда 400 нафар киши иш билан таъминланди. Бирлашма ўтган йилни 25 миллион соф даромад билан якунлади.

Вилоят раҳбарлари тиришқоқ, ишни кўзини биладиган Клара Жумамуротова қобилиятини ҳисобга олиб, жамоатчилик йўли билан «Тадбиркор аёл» нодавлат, нотижорат ташкилотига раҳбарлик қилишни топширишди. Айни пайтда у вилоятда либерал-демократик партияга ҳам етакчилик қилмоқда. У кишидан шунча ишни қандай уддалайсиз, – деб сўраганимизда.

– Инсоннинг имкониятлари кенг. Қолаверса, ҳар соҳада фаоллар кучига таянаман. Бирлашмадаги ҳамма ишларимда Шукуржон яқиндан ёрдам беради.

Касабақўм маъмурият билан тил топишиб ишласа, ишлаб чиқариш равнақ топиши, ишчиларнинг даромадлари ортиши аниқ. Бирлашмада ўртача иш ҳақи 40 минг сўмни ташкил қилади. Тушлик бепул. Автобус хизмати ташкил қилинган.

Дарҳақиқат эл-юрт, фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилганлар ҳеч қачон, кам бўлмаган.

**Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## ОРОМГОҲЛАРДА ФЕСТИВАЛ

Бўстонлиқ туманидаги Юсуфхона қишлоғида жойлашган "Ниҳол" болалар оромгоҳида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг касаба уюшмалари қўмитаси ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила - қудратли ватан" мавзуида VI-фестивалнинг биринчи босқичи ўтказиди. Унда "Олимпиадачи", "Ёш куч", "Наргиз", "Оқ елкан" ва "Ниҳол" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олётган болалар иштирок этишди.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш мақсадида ўз иш режаси доирасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Режага асосан жамғарма ва унинг минтақавий филиаллари томонидан жорий йилнинг 2 июлидан бошлаб, республикамизнинг барча ҳудудларида жойлашган болалар оромгоҳларига Оролбўйи ҳудудларидан дам олишга келган болалар учун биринчи тиббий ёрдам аптечкалари, мультивитаминлар мурувват ёрдами сифатида топширилмоқда. Қолаверса, турли маданий-маърифий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, жамғарманинг Тиббий-ижтимоий маркази шифокорлари 4 минг нафар болани тиббий кўрикдан ўтказди.

Дастур доирасида гиёҳвандлик ва ОИТСни олдини олиш бўйича семинарлар ҳамда болалар ижодий гуруҳларининг ва жамғарма қошидаги "Соғлом авлод ғунчалари" театр-студиясининг намойишлари ташкил этилган. Жумладан, "Меҳр ва мурувват йили" давлат дастурига мувофиқ Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда жамғарма қошида "Қуёшча" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Оромгоҳ ёз мавсумида 6 сменада болаларни қабул қилади. Ҳар бир сменада 30 нафар кам таъминланган оила фарзандлари дам олишади.

*"Туркистон-пресс"*

# ҚИШДА ҲАМ ГАЗ ЯХШИ БЎЛАДИ

*Қарор ва ижро*

***«Фарғонагазтаъминот» шуъба корхонаси «Олтиарик туман газ» филиали вилоятдаги энг йирик бўлимлардан бўлиб, 25 мингдан ортиқ аҳоли хонадонларига табиий газ етказиб беради. Худуд катта, аҳоли зич. Муаммонинг энг каттаси ҳам айнан шундай жойда пайдо бўлади. Очиғини айтиш керак, қиш ойларида газ таъминоти яхши эмаслиги сабаб шикоят-у эътирозлар кўпайганидан кўпаядики, амалий иш қилиш тугул жавоб беришга ҳам улгуролмайсан киши. Одамлар эса газдан қандай хоҳласа, шундай фойдаланишини қўймайди.***

Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қўл келди. Жорий йил бошидан буён хонадонларга 4 минг 549 та газни ҳисобга олиш ускуналари ўрнатилиб, уларнинг сони 19 минг 686 тага етказилди. Бу газлаштирилган хонадонларнинг 78,4 фоизини ташкил этади. Йилнинг қолган даврида ҳисоблагичлар ўрнатишни якунлаш мўлжалланяпти. Лекин нима бўлганда ҳам барибир қишда истеъмол юқори бўлади.

—Шунинг учун сўнгги йилларда янги газ тақсимлаш станциялари қуриш ишига алоҳида эътибор қаратяпмиз,— дейди директор Шуҳрат Мухторов. — Туманимиз марказидаги Янгиқўрғон, Жўрак, Ўзбекистон қишлоқларида қиш ойларида табиий газ таъминоти талаб даражасида бўлмай, аҳоли анча азият чекарди. Шунинг учун юқоридаги қишлоқлар Ўразбеков газ тақсимлаш станциясининг юқори босимли қувурига уланиб, таъминот мустаҳкамланди. Халқалаш ишлари натижасида 2003-2004 йил қишки мавсумида 6 минг 400 та хонадонда, 4 та мактаб, 6 та болалар боғчаси, 10 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш корхоналари етарли босимдаги табиий газ билан таъминланди.

Полосон, Повулғон, Оқбўйра ва Қапчуғай қишлоқлари газ тақсимлаш станциясидан анча узоқлиги боис, бу ҳудудда ҳам катта бир бунёдкорлик ишини амалга оширилиши лозимлиги ойдинлашди. Бултур Полосон газ тақсимлаш станцияси қурилиши режалаштирилганди. Иш жадал суръатларда ташкил этилди. Айни пайтда у ерда қурилиш ишлари якунланган. Станция истиқлол байрами арафасида топширилиши мўлжалланяпти. У ишга тушгач, 6 мингга яқин хонадонлар бир меъёрда газ билан таъминланади.

Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи ГТС йўналишидаги хонадонларда сўнгги йилларда газлаштирилган аҳоли сони ортиб бориши натижасида босим пасайиб кетди. Истеъмолчиларга табиий газ етиб бормай, норозиликлар пайдо бўларди. 1998 йили Олтиариқ— Қапчуғай— Юксалиш газ тақсимлаш станцияси лойиҳалаштирилди. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари тугатиляпти. Бу 12 мингга яқин аҳоли хонадонларида таъминот яхшиланишига олиб келади. Бундан ташқари, туман марказидаги 250 га яқин маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, 40 та мактаб ва болалар боғчаларига бир меъёрда «зангори олов» етказиб бериш имконияти пайдо бўлади.



**Нодиржон ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири**

## ОЛТИН СОВРИН СОҲИБИ

Мамлакатимиз нефт-газ саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат кўрсаткичи учун «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Нью-Йорк шаҳридаги Business Initiative Directions компанияси таъсис этган олтин совринга сазовор бўлди. Жумладан, компаниянинг Шўртан газ-кимё мажмуида ишлаб чиқарилаётган полиэтиленга, айниқса, юқори баҳо берилди.

Газдан ажратиб олинаётган полиэтилен хомашёсига ташқи бозорда талаб катта. Чунки, бу хомашёдан саноатда, қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилади.

Йилнинг ўтган олти ойида Шўртан газ-кимё мажмуида бир ярим миллиард кубметр газ қайта ишланиб, 42,7 минг тонна суюлтирилган газ, 42,2 минг тонна газ конденсати, 50,3 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарилди.

*Меҳнат муҳофазаси*

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК БАХТСИЗ ҲОДИСА САБАБЧИСИ

***Избоскан туманидаги 15-мактаб ҳовлибони Маъмурахон Рахимованинг ёзиғига фожеа битилган экан. Фалокат оёқ остида дейдилар. 2004 йил 13 апрел куни кеч соат 17 ларда Маъмурахон ва унинг дугоналари тушган автобус Янгиқишлоққа келиб, бекатда тўхтайди. Улар «Пойтуғ» ширкат хўжалигининг 21-бригадасидаги дала ишларидан қайтишаётганди. Дугоналари Севарахон, Муносибхон, Наргизахон, Гулбаҳорлар автобуснинг орқа эшигидан тушадилар. Йўл ҳаракати қоидаларига асосан, катта йўлнинг у ёғ бу ёғига назар ташлаб, эҳтиёт чорасини кўрадилар. Негаки, серқатнов Хаққулобод – Пойтуғ йўлини кесиб ўтаётгандилар.***

Орқада қолган Маъмурахон шошганидан эҳтиёткорликни унутади. Дугоналари томон ошиқаётганда, ўзи томон ўқдек учиб келаётган «Тико»га кўзи тушади. Азроил «Тико» қиёфасида келишини эндигина 36 баҳорни кўрган Маъмурахон қаердан билсин.

Аммо бизу-сиз кўпам аҳамият бермайдиган ҳаётда учраб турадиган эҳтиётсизлик оиланигина эмас, бутун жамоани ларзага солиши бор гап. Кўза кунда эмас, кунида синишини машойихлар бежиз айтмаганлар. Ана шу қусурлар жабрини бугун биргина Маъмурахон эмас, унинг ортида бўзлаб қолган қизалоқлари Зарнигор, Рўзихон ўғли Шаробиддин, ёстикдоши Абдусалим кўрди.

Келинг, яхшиси воқеани бир бошдан ҳикоя қилайлик. Мақсад огоҳлик, эҳтиёткорлик, етти ўлчаб бир кесиб фаолият юритишга ундашдир. Давлат меҳнат техника инспектори Д.Қурбонов раислигида тузилган бахтсиз ҳодиса далолатномасида фожеа тафсилотлари келтирилган. 2004 йилнинг 8 апрел куни туман халқ таълими бўлими вакили Муталлибжон Абдуқаюмовдан директор вазифасини бажарувчи Иброҳимжон Акбаров қишлоқ хўжалик ишлари, яъни ғўза ягානаси учун 10 нафар ходим ажратилиши ҳақида топшириқ олади. У туман халқ таълими бўлими мудири А.Бурхонов томонидан берилганди. И.Акбаров, илмий бўлим мудири А.Охунов, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Маъруфжон Умаровларни ёнига чорлайди. Биргалашиб ғўза яганаси иштирокчиларининг рўйхатини тузадилар. Рўйхатга мактабда 2001 йилдан буён ишлаётган ҳовлибон Маъмурахон Раҳимова ҳам киритилади.

Ниҳоят ўша фожеа етаклаб келган хосиятсиз 13 апрел куни Маъмурахон ишга келганда, ҳамкасблари далага жўнаб кетган бўлади. Ўринбосар М.Умаров ҳовлибондан кечикиш сабабини сўрайди. Маъмурахон узрини айтиб, ўткинчи машинада автобусга етиб олишини айтади. Сўнгра катта йўлдан ўтаётган «Тико»ларнинг бирига дугонаси билан ўтиради.

Шу ерда бир чекиниш қилмоқчимиз. Пахта йиғим-терими эшик қоқмоқда. Мавсумнинг оммавий бошланганлиги, унда иштирок этиш ҳамманинг ватанпарварлик бурчи эканлиги ҳақида вилоят ҳокимлигининг қарорлари эълон қилинади. Каттаю кичик далаларга отланади, жумладан, маорифчилар ҳам. Ҳашарчиларнинг хавф-хатарсиз меҳнатларини ташкиллаштиришда касаба уюшмаларининг ўрни ва масъулияти алоҳида. Кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш юзасидан тадбирлар белгилаш жоиз. Оқил раҳбар бор жамоада бахтсиз ҳодисаларга ўрин қолмайди.

Ушбу мактабда ҳам далага жўнаб кетиш олдидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш, транспортларнинг ҳаракатланишида эҳтиёт чораларини қўллаш ҳақида кўрсатмалар, йўлланмалар бериш одатга айланганида Маъмурахон балки қаторимизда бўлармиди? Негаки, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида белгиланганидек, ходимларни меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва услубий йўриқномалар бериш вазифаси қўйилган. Шунга қарамай, ушбу мактабда ўқитувчи ва ишчи-ходимларни хавфсиз меҳнатини уюштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Акбарали Аҳмадалиевнинг Маъмурахоннинг ўлими билан тугаган фожеага доир кўзбўямачилиги ажабланарлидир. Унинг текширув комиссиясига ўз қўли билан ёзиб берган баённомаси билан танишдик. Унда касаба уюшма етакчиси ходимларни техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш меъёрий ҳужжатлари билан гўёки таништирган, суҳбатлар ўтказган. Ваҳоланки бахтсиз ҳодиса туфайли саломатликка ва бошқа хил зарар етказиш тўғрисидаги 1-сонли далолатноманинг 9-бандида меҳнат хавфсизлиги юзасидан йўриқномалар, ўқитишлар ўтказилмаганлиги аниқ-тиниқ кўрсатилган.

Қалбакилик билан у жамоа олдида касаба уюшмасининг обрўсини, нуфузини ерга уряпти. Марҳумнинг хотирасига қилинган бу ҳурматсизликка комиссия тегишли баҳо берди. А.Аҳмадалиев энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдоридаги жарима билан «мукофотланди». Танаси бошқа дард билмас, деганлари шуда.

Бу кўргиликларнинг айбдорларидан яна бири хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Маъруфжон Умаровнинг жамоа олдида боши эгик. Техник ходимлар учун соғлом, хавф-хатарсиз иш шароити яратиш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш иш берувчилар қаторида Маъруфжон ҳам бевосита жавобгар. Унинг масъулиятсизлиги комиссияни бефарқ қолдирмади. А.Умаровга нисбатан ҳам жарима қўлланилди. Бошқа раҳбар шахслар ҳам интизомий жазо оладилар.

Бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни тайёрлаган Андижон вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси масъул ходими Ж.Чўтанов, Д.Қурбоновларнинг саъй-ҳаракатларини таъкидлаш жоиз. Айни вақтда бир тушунмовчиликни ҳам кўрсатиш ўринлидир. Меҳнат қонунчилигида шикастланганлик ҳодисалари юқори касаба уюшма органлари ҳамкорлигида қараб чиқилиши белгиланган. Бошқарма мутасаддилари эса нима учундир касаба уюшмалари вилоят Кенгашини четлаб ўтганлар.

Давлатимиз ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисага учраган ходимлар ва уларнинг оилаларини доим ўз ҳимоясига олган. Меҳнат Кодексида бундай фожеавий ҳолатлар алоҳида бандлар билан кафолатланган. Комиссия ёрдами билан М.Раҳимова хонадонига бир марталик 472 минг сўмлик товон пули тўланди. Туман халқ таълими бўлими жамоаси, «Пойтуғ» ширкат хўжалиги меҳр ва мурувват йили дастури талабларидан келиб чиқиб азадорларга хайру-саховатини аямадилар.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1 апрел кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва кўпорувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни бошланди. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.***

Судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Казакбаев, Х.Ишматов, Е.Асланов, Н.Курбаналиев, Р.Юсупов, М.Мирзакулов, Қ.Туйчиев, К.Сохоталиев, Ё.Умаров, К.Қаюмова, Ж.Нигманов, Ў.Ҳамроев, И.Тошпулатова, А.Зулпикаров дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар курол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда ва бошқа қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Раислик қилувчи томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгач, Давлат айбловчиси, адлия катта маслаҳатчиси М.Солиҳов айбланувчиларга нисбатан айблов хулосасини ўқиб эшиттирди.

Очиқ кўрилаётган суд мажлисида 30 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

**(ЎзА)**





# ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ

## ноқонуний айланишига чек қўйилди

*Қарор ва ижро*

Илгари почта идоралари остоналарида нафақа, пенсия пулларини қўлга тегишини кутиб сарғайиб, тирбанд турган отахонлару онахонларни кўришга одатланиб қолгандик. Қабулхоналарда корхона мутасаддисидан иш ҳақини вақтида ололмай хуноби ошган фуқароларни ҳар қадамда учратардик.

Бугун вилоятда бошқача манзара. Почта ходимлари нафақа, пенсия пулларини хонадонларга элтиб бериб, нуронийлар дуосини олишмоқда. Банк хизматчилари далаларда кўчма хазинахона очишган. Ғўза парвариши билан банд сувчилар, тракторчи, комбайнчиларга пайкалнинг ўзида ойлик маош тарқатиляпти.

Вилоят ҳокимлиги нақд пул тушумини банклардан ташқари ноқонуний айланиши устидан қатъий назорат ўрнатган. Туман ҳокимликлари ўз ҳудудларида нақд пул тушуми бўйича кундалик мониторинг олиб боряптилар. Вилоят прокуратураси ҳузурида солиқ тўловчи субъектлардаги нақд пул оқимини таҳлил қилувчи махсус гуруҳ ишлаб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори вилоятда изчил амалга ошириляпти. Натижада ойлик маошлар, нафақалар ўз вақтида қўлга тегяпти. Вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари айниқса, нақд пул тушумини банкдан ташқарида айланишига барҳам беришда қатъий кураш олиб боряптилар.

Ғайрат Мансуров «Ойим шаршараси» фирмасида иш юритувчи бўлиб ишлайди. Буни қарангки, мўмай пул топишнинг устаси фарангларидан экан. Андижон «Гўштсутсавдо»дан харид қилган 6 тонна шакарни 3 миллион сўмга пуллагану, нақд пулни НКМга эмас, нафс ўпқонига йўналтирган. Тафтиш жараёнида пул айланмасини солиқдан яширганлиги, устига устак, банкка топширмаганлиги туфайли энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридаги жарима билан «сийланди».

Бахтиёр Маматов эса ўз уйида яширин мойжувоз қуриб даромад кўриб келган. Ушбу шахсдан қайта ишлашга тайёрлаб қўйилган 6900 килограмм пахта чигити далилий ашё сифатида мусодара қилинди. Балиқчи туманидаги «Иноқ» хусусий фирмасининг ишбошчиси Б.Саримсоқов ҳам фуқароларнинг нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларнинг кечикишига сабабчи бўлганлардан бири бўлиб чиқди. Бўлмаса ўтган йил давомида савдо-сотиқдан тушган 4 миллион 496 минг сўм нақд пулни НКМдан ўтказган бўларди.

**С.РЎЗИЕВ**

*Ёшлар – юрт келажаги*

***Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари Қорақалпоғистонда қандай ижро этилаяпти?***

# МАҲАЛЛИЙ ШАРОИТ ҲИСОБГА ОЛИНСА

Жисмоний тарбия ва спортнинг баркамол авлодни шакллантириш, миллат генофондини яхшилаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс. Оролбўйида жисмоний ва маънавий соғломлик асоси ҳисобланган спортни оммалаштириш, тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириш дастурлари ишлаб чиқилган. Республика Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниёзов раҳбарлигида ҳомийлик кенгашининг йиғилишида ҳақиқий аҳвол чуқур таҳлил қилиниб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Спорт маҳаллалар ва овулларга кириб бораяпти. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 40 дан ортиқ спорт зали, ўнлаб замонавий иншоотлар, мингдан зиёд замонавий спорт майдончалари бунёд этиш режалаштирилган. Мактаблар, академик-лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва маҳаллаларда 440 та зал, 3 мингдан ортиқ майдонча, 2 та ёпиқ бассейн, 33 та спорт мактаблари бўлиб, уларда 152 мингдан ортиқ йигит-қиз спортнинг 23 тури билан шуғулланмоқда. Янгидан 271 та секция очилиб, мунтазам шуғулланувчилар сони 2,5 баробарга ортди ва қарийб 37 минг кишига етди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси Еркин Қутибоевнинг маълум қилишича, амалга ошириладиган ишларнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Қўнғирот сода заводи ишчилар шаҳарчаси Элобод, Тахиатош, Хўжайли шаҳарлари, ўнлаб маҳалла ва овулларда янги спорт майдончалари қурилиб, болалар ихтиёрига топширилди. 2003-2004 йилларда 50 та йирик спорт мажмуалари бунёд этиш, 30 та иншоотни қайта таъмирлаш режалаштирилган эди. Айни пайтда Амударё ва Кегайли туманлари ҳар бирининг лойиҳа қиймати 153 миллион сўмлик спорт иншоотлари барпо этилаяпти.

– Янги мажмуани Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги байрамига қадар ишга туширамиз, - дейди биз билан суҳбатда Кегайли тумани ҳокими Пўлат Иматов. – Ёшларимиз спортнинг 10 дан ортиқ тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўладилар.

Нукус шаҳрида «Олимпия заҳиралари» коллежини қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилаяпти. «Кураш» болалар спорт саройи, «Ёшлик» спорт мажмуаси, бокс мактаби қайтадан таъмирланди. Тахиатошдаги 500 ўринли спорт мажмуи, Тўрткўл туманидаги «Янгиобод», «Мустақиллик» маҳаллалари, Қўнғиротдаги «Кўкдарё», Берунийдаги «Қиётобод», Қораўзакдаги «Маданият», Нукус туманидаги «Каттаоқар», «Шўртанбой», «Дарсан», Шуманайдаги «Бирлашик», Қонликўлдаги «Бескўпир» ширкат хўжаликлари, Чимбой туманидаги 2-маҳалла ҳудудида, Мўйноқдаги «Шағирли» овулларида қурилган майдончалар йигит-қизларнинг севимли масканига айланди.

Элликқалъа туманида ҳомийлар кўмаги билан 3 та спорт зали, 10 та футбол, 20 та волейбол, 9 та баскетбол, 7 та минифутбол ва 3 та қўлтўпи майдончалари таъмирланиб, болаларга туҳфа қилинди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Нукус шаҳрида ёпиқ спорт манежи қурилиши бошланди. Истиқлол байрами кунида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган, лойиҳа қиймати 3 миллиард 360 миллион сўмлик бўлган иншоотни «Қорақалпоқфуқаросаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-қурилиш-ускуналаш бошқармаси бинокорлари бунёд этишаяпти. Бу йил Қўнғирот ва Хўжайли туманларида биринчи тоифали болалар спорт мажмуи ҳамда Қораўзак туманида теннис корти қурилиши, Чимбой ва Қонликўл туманларида спорт майдончаларини таъмирлаш амалга оширилади.

Мавжуд 763 та умумтаълим мактаблари, 4 та академик-лицей ва 69 та касб-ҳунар коллежларида 399 мингга яқин талаба ва ўқувчилар таълим олмоқда. Бироқ ўқувчи-ёшлар, овулларда яшаётган болаларнинг спорт билан шуғулланишларини ташкил этишда камчиликларга ҳам йўл қўйилаяпти. Айрим қишлоқ мактабларида спорт иншоотлари ва жиҳозлари, жисмоний тарбия муаллимлари, мураббий тренерлар етишмайди. Миллий кураш, бокс, гимнастика, волейбол, қўлтўпи сингари спорт турлари оммалашаётган бир пайтда енгил атлетика, сузиш турлари оқсамоқда. Агар республикадаги 320 дан ортиқ маҳаллада 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 399 мингга яқин бола истиқомат қилаётганлигини ҳисобга олсак, биринчи навбатда улар учун барча қулайликлар яратиб бериш талаб этилади.

Демак, спорт майдончаларини қуриш ва лойиҳалашда маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда иш тутиш керак. Токи, болалар спорти республика, шаҳар ва туман марказларидан бошланиб, олис овулларда яшаётган ўғил-қизларнинг кундалик машғулотига айлансин.

**Иззат ҲИКМАТ,**
**«Ишонч» мухбири**





# СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



Исковутликлар азалдан спортни севишади. Бироқ, улар спорт иншоотларига энди ёлчидилар. Қишлоқнинг қоқ марказида икки гектардан зиёд жойда спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланиш имконини берадиган мажмуа қурилди.

## ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Туман марказидан ўн беш километрча олисдаги қишлоқда замонавий спорт мажуаси барпо этиш зарурмиди, деган саволга жавоб тайёр: Исковутдаги билим масканларида ва 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида жисмоний тарбия шундай ўқитиладики, болаларнинг аксарияти спорт билан шуғулланишни одат қилган ва вилоят, республика мусобақаларида яхши натижалар кўрсатмоқда.

Мажмуани тумандаги 7-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари бунёд этдилар. Бинокорларнинг 60-70 фоизи исковутликлар. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. 960 томошабинга мўлжалланган мажмуа олти ойда эмас, ундан илгари битди.



***Суратларда: икки карра Ўзбекистони чемпиони, кураш бўйича республика терма жамоаси аъзоси Феруза Хомиджонова; спорт мактаби курашчи болалари; стадион кўриниши.***



**Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар**

*Олис қишлоқ спорти*

***Футбол – миллионлар ўйини. Уни жон-дилидан севувчилар орамизда кўп. Ана шундай ёшларни Бухорои Шарифдан 35-40 чақирим олисда жойлашган Вобкент туманида ҳам кўплаб учратиш мумкин.***

# НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА

## барча орзуларга эришиш мумкин

– Ният холис бўлиб, астойдил ҳаракат қилинса, ҳаммаси бўлар экан. 1996 йили туман футбол жамоасининг республика кубогини қўлга киритгани барчамизни беҳад тўлқинлантириб юборди. Шу-шу «Вобкент» дея номланган аҳил, уюшган жамоа тарихида янги давр бошланди, – дея сўзлайди мураббий Миркарим Арслонов.

Дарҳақиқат, икки-учта собиқ футболчилар, фидойи мураббийларнинг изланишлари, ягона мақсад сари дадил интилишлари зое кетмади. Туманда футбол равнақи учун кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Албатта, туман ҳокимлиги ҳам қараб турмади.

– Жамоани оёққа турғазиб, вилоят ва республика биринчиликларида муваффақиятли иштирок этишида фидойи, тиниб-тинчимас раҳбар Муҳиддин Эсоновнинг хизматлари бениҳоя катта бўлди. У туман футбол федерациясининг президенти сифатида кўплаб ибратли ишларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Айнан унинг ташаббуси билан жамоага ишончли ҳамкорлар бириктирилди. Алоҳида автобус ажратилди. Жуда қисқа муддатда туман марказий ўйингоҳи қайта таъмирланди. Бу ерда нафақат футболчи ва мураббийлар, балки кўп сонли ишқибозлар учун ҳам қулайликлар яратилди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди, – дейди жамоа бошлиғи Анвар Тангриев.

Иккинчи лигада муваффақиятли тўп суриб, ғолиблар сафидан жой олган жамоа саралаш босқичи синовларида ҳам ўзини ҳар жиҳатдан кўрсата олди. У манаман деган футбол жамоаларини доғда қолдириб, биринчи лига йўлланмасини қўлга киритди.

Омад ўз-ўзидан келавермайди. Ажойиб футбол жамоасининг шаклланитирилишига мустаҳкам пойдевор яратилиб, машаққат билан олиб борилган саъй-ҳаракатлар интиҳосидир. Шунинг учун «Вобкент» ҳозирда биринчи лига баҳсларида ҳам бўш келмаяпти. Бундан ташқари, мавсум олди тайёргарлик босқичига алоҳида эътибор қаратилди. Жисмонан ва руҳан чиниқиш машқларига зўр берилди. Ёш футболчилар маҳоратини оширишга эришиш биринчи галдаги вазифалардан бирига айланди. Кумушкентдаги спорт базасида ўқув-тайёргарлик олиб борган жамоа биринчилик баҳсларини юқори савияда бошлаб, кетма-кет ғалабаларни қўлга киритди. Тез орада лиганинг пешқадамларидан бирига айланди.

– Сафардаги ғалабаларга осонликча эришганимиз йўқ, - дейди жамоа бош мураббийи Геннадий Кочанов. - Минглаб муҳлислари даврасида Олмалиқнинг «Олмалиқ», Навоийнинг «Зарафшон» жамоаларини мағлубиятга учратиш осон эмас. Шунингдек, «Зарафшон», «Хоразм-2003», «Ҳазорасп» ҳамда олий лига вакили - «Пахтакор» билан ўтказилган кубок ўйинлари баҳсларини мухлислар ҳам узоқ вақт ёдда сақласалар керак. Ўз майдонимизда асосий рақибларимиздан бири саналган Сурхоннинг «Тўпаланг» футболчиларига ютқазиб қўйганимиз қайтадан саралаб олишга бизга имкон берган бўлса, ажаб эмас.

– Жамоа ўз олдига қўйган мақсадига эриша оладими, - сўраймиз ундан.

– Мақсадимиз лиганинг кучлилари сафидан ўрин олиш эди. Лекин зобит бўлишни орзу қилмаган аскар - аскар эмас дейдилар. Ҳозирча ишларимиз кўнгилдагидек. Муҳлислар ишончи ва эътиборини қозониш, биринчи лигада ўзига хос из қолдириш бирдан-бир ниятимиз.

Айни чоғда «Вобкент» ўйинини томоша қилиш истагида стадионга келаётган футбол ишқибозларининг сони тўхтовсиз ошиб бормоқда. Улар орасида қўшни Бухоро, Ромитан, Пешку, Ғиждувон туманлари, ҳатто Бухоро шаҳридан келаётган ишқибозларнинг борлиги, айниқса қувонарлидир.

Футбол мактабини тугатиб сафга қўшилган Хуршид Саматов, Машҳурбек Ашуров, Хуршид Саъдуллаев, ака-ука Қобилжон ва Шокиржон Баратов, Дилшод Давлатов, Санжар Усмонов сингари келажаги порлоқ ёшлардан умид катта. Улар ўйиндан-ўйинга маҳоратларини ошира бориб, ўзига хос довруғ таратмоқда. Жамоанинг ишончли қалқонига айланган Холиқ Раҳматов, Сухроб Қобилов, Шуҳрат Раҳматов, Жўрабек Қодиров, Бахтиёр Камолов, Сухроб Тўраевлар уларни ўз измидан дадил эргаштириб боришмоқда.

**У.НАВРЎЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Фахр*

## ЧУСТЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Чустлик Тожиддин Иномхонов деган эски қадрдоним бор. У узоқ йиллар матбуот нашрларида ишлаган. Ҳозир эса пенсияда, кексалик гаштини сурмоқда. Яқинда рўзғор харажатлари важидан «Чорсу» бозорига чиқсам, уни учратиб қолдим. Салом-аликдан сўнг, тўсатдан қўлимни қайтадан қисаркан, худди йўқотган нарсасини топиб олгандек бағрига босди.

– Айтгандай, сизни табриклайман, – деди қувонч билан. – Қаҳрамонингиз ишончни оқлади. Жаҳон чемпиони бўлди. Яна қаерда денг? Дунёнинг нариги четида, Жанубий Кореядек олис мамлакатда ўтказилган чемпионатда ғолиб чиқди. Бу билан фахрланмасдан бўладими!

Дўстим чустлик иқтидорли спортчи Илҳом Раҳимов ҳақида сўзлаётган эди. Дарвоқе, Илҳом жуда ёшлигидан спортга ихлос қўйди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бир қаторда аввалига футбол тўгарагига ёзилиб беармон тўп тепди, кейин бокс машғулотларига қатнади. Дастлабки ринг сабоқларини чустлик мураббий Ҳабиб Сулаймоновдан олди. Тезда тинимсиз ўқиб-ўрганиш ва машқлар орқали тенгқурлари ўртасида анча танилиб қолди. Олдинига туман, кейинчалик вилоят чемпони бўлди. Мураббий уни Чирчиқ шаҳридаги боксга ихтисослашган республика олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабига тавсия этди. У ерда Илҳом тажрибали мураббийлар кўмагида маҳоратини оширди.

Чирчиқда бокс сирларини пухта ўзлаштиришга эришган ёш боксчи мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, мамлакат чемпиони деган унвонни қўлга киритди. Бир неча халқаро турнирлар ғолиби бўлди. Июн ойининг бошларида Жанубий Кореяда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида у ўзини бугунги кунда энг кучли боксчилар қаторидан жой олганлигини яна бир бор исбот этди. 52 килограмм вазнли боксчилар ўртасидаги саралаш баҳсларининг барчасида ғалабага эришди. Ярим финалда қозоғистонлик тенгдошини мағлуб этди. Ҳал қилувчи учрашувда мексикалик боксчини таслим қилиб, Ўзбекистон байроғи ғолибона ҳилпираб, миллий мадҳиямиз янграшига эришди.

Яна бири гап. Курраи заминимизнинг 72 мамлакати спортчилари иштирок этган ушбу жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 та олтин, 2 та кумуш ҳамда 1 та бронза медали олишга муваффақ бўлдилар. Боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида Россиядан сўнг иккинчи ўринга кўтарилишди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Умумармия ўйинлари-2004»*

## ҲАРБИЙЛАР БЕЛЛАШГАНДА

***«Умумармия ўйинлари-2004» ҳарбий-спорт мусобақаси узоқликка югуриш ва футбол беллашувлари билан бошланди.***

Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти полигонида 12 километр масофага югуриш бўйича ўтган баҳсларда ўн уч жамоа вакиллари иштирок этди. Маррага биринчи етиб келган Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти курсанти Азим Абдукаримов «Умумармия ўйинлари-2004» мусобақасининг илк олтин медалини қўлга киритди. Унинг сафдоши, курсант Элдор Шокиров маррага иккинчи бўлиб етди. Учинчи ўрин Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм кичик сержанти Санжар Ботировга насиб этди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида эса футбол бўйича илк учрашувлар бўлиб ўтди. Марказий ҳарбий округ жамоаси ва Жиззах олий авиация билим юрти футболчилари ўртасидаги учрашув дуранг натижа билан якунланди. Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти ва Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари жамоалари ўртасидаги беллашув 4:1 ҳисобида танкчилар фойдасига ҳал бўлди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳамда Тошкент ҳарбий округи жамоалари ўртасидаги баҳсда округ вакилларининг қўли баланд келди: 2:0.

Мусобақалар Марказий ҳарбий спорт клуби, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларда ҳамда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби спорт мажмуида давом этмоқда.



*Осиё-2004*

***Инсоният ҳамиша олдинга интилиб, кучлиларга, оқилларга ва истеъдодлиларга тақлид қилиб яшайди. Ҳар қандай соҳада – хоҳ у иқтисодиёт ёки маданият-санъат бўлсин шундай ҳолни кузатиш мумкин. Буни спорт, жумладан унинг энг оммавий тури – футболга қиёсан қўлласак ҳам янглишмаган бўламиз.***

# ЎЗИМИЗГА ХОС, ЎЗИМИЗГА МОС

Биз Европа футболида йирик ҳисоб қайд этилмаслигига ўрганиб қолганмиз. Чамаси Осиё футболида ҳам шундай тенденция бошланаётган кўринади. Ҳар ҳолда икки тур натижаларига назар солсак, бунга тасдиқ топамиз. Эрон – Таиланд – 3:0, Индонезия-Хитой – 0:5, Таиланд – Япония – 1:4. Бор-йўғи шу холос. Унинг ҳам иккитаси бир жамоа – Таиландга нисбатан юз берганлигини, Индонезия эса қарийб бир ярим тайм камчилик бўлиб мезбонларга қаршилик кўрсатишга мажбур бўлганлигини инобатга олсак, юқоридаги фикримизда озмикўпми жон борлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Бу қитъа биринчилигида кучсиз жамоа бўлмайди, деган европача ақида бизнинг шарқона футболимизга ҳам кириб келаётганидан далолатдир. Айнан шу ҳодиса 13-Осиё чемпионатининг ўзига хослигини белгиловчи омиллардан бири, деб бемалол айтишимиз мумкин. Бу, албатта, яхши. Агар шу ҳол бундан буён ҳам ривож топса, ҳадемай қитъамиз вакиллари жаҳон грандлари билан тенгма-тенг баҳсга киришиш даражасига чиқиб оладилар.

Лекин кези келганда, кўнгилга ғашлик солувчи ҳолатлар ҳамон мавжуд эканлигини эътироф этиш лозим. Бу – интизом масаласи. Майдонда ҳаракат қилаётган футболчиларда баъзан европалик ҳамкасбларига хос жентелменлик, бизнингча айтганда, самимият етишмайди. Рақибга нисбатан ортиқча қўполлик, баҳсли вазиятларда вазминликнинг етишмаслиги, боз устига айниқса арабларга хос айёрона «умбалоқ ошишлар» кимга ёқади дейсиз. Куни кеча Эрон ва Уммон ўртасидаги учрашувда ўйин аввалида 0:2 ҳисобида ортда қолаётган форслар бутунлай бошвоқларини йўқотиб қўйганликлари, ҳатто хавфли вазият сабаб бир жамоа ҳимоячилари ўзаро даҳанаки жангга қўл ҳаракатларини қўшиб юборганликлари, очиғи, Эрон футболига бўлган ихлосни қайтарди.

Ҳеч бир жамоа мағлубиятдан кафолатланмаган. Ўзини профессионал деб билган ҳар қандай спортчи ўз асабларини жиловлай билиши даркор. Ҳар ҳолда ўша биз айтиб ўтган ножоиз манзара юзасидан Осиё футбол конфедерацияси раҳбарияти ўз муносабатини билдиришига шубҳа йўқ. Чунки футбол нафақат миллионлар севган ўйин, айни вақтда тарбия воситаси ҳамдир.

Бу масалада биз Япония футболини ибрат қилиб кўрсатсак арзийди. Кунчиқар мамлакатида ҳатто ютиб турган жамоанинг, футболчилар тили билан айтганда «вақтни ўлдириши» қаттиқ қораланади ва бу мухлисларга нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланади.

Бу мулоҳазаларни бемалол айтаётганимизнинг сабаби бор. Ўзбекистон миллий терма жамоаси учинчи бор Осиё чемпионатида қатнашмоқда ва илк бор чорак финалга йўлланма олди. Агар у бунга 16 жамоа орасида биринчи бўлиб эришганини назарда тутадиган бўлсак, футболимиз истиқболи ҳақида бугундан қайғуришимиз, унинг турли-туман хато-нуқсонлардан холи бўлишига ҳозирдан киришишимиз зарурлиги ўз тасдиғини топади.

Чорак финал чегара эмас. Насиб этса, ярим финал ва финалда ҳам юртдошларимиз музаффарона тўп суришларини чин дилдан истаймиз. Фақат бунинг учун Р.Ҳайдаров ва Ю.Гёде гуруҳ баҳсларида танлаган пича ҳимоявий ва пича ҳужумкор ўйин тактикасига янада жон бағишлаб майдонда тўла устунликка эришиш йўлларини қидириб кўришлари лозим бўлади. Тўғри, муҳими, бу натижа. Лекин тўқсон дақиқа юрак ҳовучлаб ўтириш ҳам осон эмас.

Кучли эканлигингни ва уни шак-шубҳасиз амалда исботлашга ўзингда ирода топа олишингни ҳис қилиб яшашга нима етсин.

Бу орада гуруҳ баҳслари ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Биринчи бўлиб бу юмушни мезбонлар иштирок этаётган «А» гуруҳи жамоалари охирига етказди. Хитойликлар Қатар билан бўлган учрашувни кутилганидек ғалаба билан нишонладилар – 1:0. Баҳрайн ва Индонезия термалари ўртасидаги муросасиз беллашувда араблар ўз устунликларини намойиш этишди. Ҳисоб – 3:1.

Шундай қилиб, «А» гуруҳи якунда қуйидагича кўриниш олди.

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Хитой** | **3** | **2** | **1** | **0** | **8-2** | **7** |
| **2. Баҳрайн** | **3** | **1** | **2** | **0** | **6-4** | **5** |
| 3. Индонезия | 3 | 1 | 0 | 2 | 3-9 | 3 |
| 4. Қатар | 3 | 0 | 1 | 2 | 2-4 | 1 |

Кейинги босқичга чиқиш масаласини муддатидан илгари уддалай билган Ўзбекистон термаси энди чорак финалда қайси жамоа билан куч синашади? Хитойми ёки Баҳрайн? Қай бири мақбулроқ? Табиийки, биринчи ўрин Баҳрайн билан, иккинчи ўрин эса Хитойга рўбарў бўлиш демакдир. Ютуқ ва дуранг биринчиликни ҳадя этиши аниқ. Ҳатто... мағлубият ҳам. Бу ҳолда Саудия Арабистони ва Ироқ ўртасидаги баҳс дуранг билан тугаши даркор. Лекин гуруҳдаги вазият шуни тақозо этадики, ҳар учала жамоа – Туркманистон ҳам, Ироқ ҳам, Саудия Арабистони ҳам кейинги босқичга чиқиши учун барча имкониятларга эгадирлар.

Биз Ўзбекистон –Туркманистон ва Саудия Арабистони – Ироқ жамоалари ўзаро учрашувида ана шу саволга жавоб олдик.

Ҳеч кутилмаганда мураббийларимиз сўнгги тур учрашувига иккинчи таркибни туширишни лозим топишди. Худди «Евро-2004»да Чехия термаси Германияга қарши ўйинда Недвед ва Барош каби етакчи футболчиларига дам бергани каби. Ва айтишимиз жоизки, ёшлар ишончни оқлашди. Иккинчи бўлимда жамоа Қосимов, Солиев ва Шишелов билан кучайтирилгач, майдондаги устунлик тўлалигича ўзбекистонликлар томонига ўтди.

Яна ўша – аввалги турлардаги ҳолат қайтарилди. Терма жамоамиз 1:0 ҳисобида ғалабага эришди. Ягона голни жарима тўпидан (ҳа, янглишмадингиз!) Миржалол Қосимов киритди. Уч ўйинда – уч ғалаба бор. Бу натижани «D» гуруҳида тўп сураётган Япония термасигина қайтариши мумкин.

Икки араб мамлакати – Ироқ ва Саудия Арабистони ўртасидаги баҳсда Аднан Ҳамд шогирдлари зафар қучишди. Ҳисоб – 2:0. Бу яна бир неча ҳафтадан сўнг Афинада бошланадиган олимпиадага тайёргарлик кўраётган Ироқ термаси учун катта руҳий мададдир.

**«С» гуруҳи**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.Ўзбекистон** | **3** | **3** | **0** | **0** | **3-0** | **9** |
| **2.Ироқ** | **3** | **2** | **0** | **1** | **5-3** | **6** |
| 3.Туркманистон | 3 | 0 | 1 | 2 | 4-6 | 1 |
| 4.С.Арабистони | 3 | 0 | 1 | 2 | 2-5 | 1 |

Энди юртдошларимиз 30 июлда Ченгду шаҳрида Баҳрайн жамоаси билан чорак финал учрашувини ўтказади. «А» гуруҳи ғолиби Хитой эса Пекинда Ироқни қабул қилади.

Ҳозирча омад бизга кулиб боқмоқда. Умид қиламизки, бахт қуши 7 август – финал куни ҳам бошимиз узра парвоз этади.

**З.РИХСИЕВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.***

Тиражи: 8471 Буюртма Г– 817 1 2 3 4 5